

Х. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Юк ташиш. 2018 йилнинг январь-июнида автомобиль транспорти томонидан 12,1 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2017 йилнинг январь-июнига нисбатан 106,5 фоизни ташкил қилди. Шу билан бирга юк айланмаси 381,5 млн. тн-км.ни ташкил қилди ёки 2017 йилнинг январь-июнига нисбатан 102,8 фоизга ўсди.

Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси

	2018 йил январь-июнь	Ўсиши суръати, фоиз ҳисобида
Ташилган юклар, млн. тн.	12,1	106,5
автомобиль транспортида	12,1	106,5
Юк айланмаси, млн. тн-км	381,5	102,8
автомобиль транспортининг	381,5	102,8

Автомобиль транспортида 12,1 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2017 йилнинг январь-июнига нисбатан 106,5 фоизга кўпдир. Юк айланмаси 381,5 млн. тн-км.ни ташкил қилди ва 102,8 фоизга кўпайди.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобиль транспортидаги юк айланмаси 2017 йилнинг январь-июнига нисбатан 101,2 фоизга кўпайди ва 301,3 млн. тн-км.ни ташкил қилди. Автомобиль транспорти юк айланмасининг умумий ҳажмида якка тартибдаги юк ташувчиларнинг улуши 36,8 фоизни (2017 йилнинг январь-июнида 38,8 фоизни) ташкил этди.

Йўловчи ташиш. Барча транспорт турларида ташилган йўловчилар сони 2017 йилнинг январь-июнига нисбатан 102,0 фоизга кўпайди ва 41,4 млн. кишига этди. Йўловчи ташиш айланмаси 102,6 фоизга кўпайиб, 1152,4 млн. йўловчи-км.ни ташкил этди.

**Транспорт турлари бўйича
йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси**

	<i>2018 йил январь– июнь</i>	<i>Жамига нисбатан, фоиз ҳисобида</i>	<i>Ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
--	--------------------------------------	---	--

Ташилган йўловчилар, млн. киши	41,4	102,0	100,0
автомобиль транспортида	41,4	102,0	100,0
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи–км	1 152,4	102,6	100,0
автомобиль транспортининг	1 152,4	102,6	100,0

Йўловчи ташишда энг катта улуш автомобиль транспортига тўғри келиб, 95,5 фоизни, йўловчи айланмасида эса унинг улуши 98,0 фоизни ташкил қилди.